2011 йил 23 июнь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 122 (11.933)

Баҳоси эркин нархда



## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан илмий-амалий конференция ташкил этилди. Геодезия, картография ва ер кадастри соҳасида замонавий инновацион технологияларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, мутахассис ҳамда олимлар иштирок этди.

• Бухорода Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди.

• Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидаги «Музработ пардоз таъмирлаш» корхонасида қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар учун эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариляпти. Бунинг учун зарур бўлган ускуна ва дастгоҳларни сотиб олишда «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими томонидан ажратилган кредит ҳамда жамоанинг салкам юз миллион сўмлик ўз маблағидан самарали фойдаланилди. Айни пайтда ўн нафарга яқин дурадгор-уста меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларига қўшни туманларда ҳам талаб ортиб бормоқда.

• Хатирчи туманида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

• Самарқанд вилоятидаги Каттақўрғон туманидан тадбиркор Ш.Нурназаров саъй-ҳаракати билан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди. Ҳозир 10 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган ушбу «Нурназар Шавқий шифокори» масъулияти чекланган жамиятида йилига 250 тоннагача сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 35 миллион сўм сарфланади.

• Урганч шаҳридаги «Хоразм антикор инвест» корхонасида ёғ-мой саноати чиқиндисидан уч хил турдаги қурилиш битумлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхона томонидан 40 миллион сўм сарфланди. Ҳозир корхонада ҳар ойда 100 тонна чиқиндидан том ёпишда фойдаланиладиган битум маҳсулотлари тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда. Яна бир жиҳати, бу ерда 10 та иш ўрни ташкил этилди.

### ЖАҲОНДА

• Москвада 33 халқаро кинофестиваль ўз ишини бошлади.

• АҚШнинг 12 та штатида ўрмон ёнғинлари авжига чиқди.

• Карелияда ТУ-134 самолётининг ҳалокатга учраши натижасида ҳалок бўлганлар хотираси учун 3 кунлик мотам эълон қилинди. Петрозаводск шаҳрида авиаҳалокат рўй берган жойда хотира девори ўрнатилди.

• Кеча Японияда 6,7 балли 2 та кучли зилзила содир бўлди.

• Грецияда футбол бўйича келишилган ўйинларни ташкил этиш ишларининг фош бўлиши натижасида 9 киши қўлга олинди.

• Франциядаги Ле Бурже шаҳрида 49 халқаро авиакосмик кўргазмаси ўз ишини давом эттирмоқда.

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 июнь куни Қашқадарё вилоятига келди.**

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий қиёфа касб этаётир. Янги корхоналар,таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг ва равон йўллар,боғ ва хиёбонлар бунёд этилмоқда.

Қашқадарёда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал ривожланмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 105,9 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилган, барқарор хўжаликларни шакллантириш натижасида самарадорлик изчил ўсмоқда, фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий аҳволи тобора яхшиланмоқда. Пировардида қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий инфратузилмаларни шакллантириш имконияти янада кенгаймоқда.

Бугун вилоятда фаолият юритаётган 7139 фермер хўжалигининг ҳар бирига ўртача 102 гектардан ер майдони тўғри келади. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, фермерларни ҳар томонлама қўллаб- қувватлашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароит натижасида рентабеллик ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошди.

Президентимиз Ислом Каримов Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида бўлиб, олимлар ва ёш илмий тадқиқотчилар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур институт маҳаллий тупроқ хусусиятлари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, суғориладиган майдонларда ғалла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, сув тақчиллиги ва шўрга чидамли ғалла навларини яратиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш каби вазифаларни бажаради.

– Қашқадарё – катта иқтисодий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга вилоят, – деди Президентимиз. – Ушбу институтни айнан Қашқадарёда ташкил этишдан кўзланган мақсад – ана шу салоҳиятдан самарали фойдаланиш, вилоятнинг ўзига хос тупроқ ва иқлим шароитини илмий асосда чуқур ўрганиш, ёш олимларнинг изланишлари учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Юздан зиёд олим ва илмий ходим меҳнат қилаётган мазкур институтда бугунги кунда буғдойнинг ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлари ўрганилмоқда. Қарши, Касби, Шаҳрисабз ва Қамаши туманларида тажриба майдонлари мавжуд. Институт олимлари томонидан яратилган «Туркистон», «Жайхун» ва «Яксарт» каби буғдой навлари тўлиқ районлаштирилди.

– Буғдой ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, ҳар томонлама сифатли ғалла навларини яратишимиз лозим, – деди Юртбошимиз. – Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 300 минг тонна ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Истиқлолнинг илк йилларида бор-йўғи 800 минг тонна ғалла етиштириб, четдан 5 миллион тонна буғдой олиб келган Ўзбекистон аллақачон ғалла экспорт қилувчи давлатлар сафидан жой олди. 2010 йилда 400 минг тоннадан зиёд ғалла экспорт қилдик.

Давлатимиз раҳбари институт олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирар экан, ёшлар салоҳияти ва имкониятларидан кенг фойдаланиш, илмий изланишлар учун уларга барча шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши биологик усулда курашиш самарадорлигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Футбол бўйича мамлакатимиз олий лигасида Қашқадарёнинг уч жамоаси – Қаршининг «Насаф», Ғузорнинг «Шўртан», Мубораккнинг «Машъал» жамоалари тўп сураётгани ҳам ана шундай доимий эътибор ва ғамхўрликнинг самараларидандир.

Давлатимиз раҳбари «Насаф» футбол клубининг Қарши шаҳридаги замонавий футбол базасини бориб кўрди. Футболчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Осиё футбол конфедерацияси кубоги баҳсларида яхши натижаларни қўлга киритаётган «Насаф» футбол жамоасини эришаётган ютуқлари билан табриклади.

– Шундай спорт турлари борки, унда спортчининг индивидуал маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ футбол – жамоавий ўйин. Унда жамоа аъзоларининг бирдамлиги, аҳиллиги, фидойилиги энг муҳим омилдир, – деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда, жумладан, Қашқадарёда футболни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборни «Насаф» клуби базасида яратилган шарт-шароит мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

– Мен Ўзбекистонда футбол жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдим, – деди «Насаф» футбол жамоаси бош мураббийи, украиналик таниқли мутахассис Анатолий Демяненко. – Бу Сизнинг спортни, хусусан, футболни оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантиришга қаратаётган улкан эътиборингиз самарасидир.

Президентимиз «Насаф» футбол клуби жамоасига замонавий автобус совға қилди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ · 20 · O'ZBEKISTON

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

## МОДЕРНИЗАЦИЯ – ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳар йили ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилмоқда. Яна кўплаб корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилаётганлиги иқтисодиётимиз ривожига муҳим замин яратмоқда.**

Бу, ўз навбатида кўплаб турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи товарлар билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур корхона қишлоқ хўжалик ишларида дала меҳнаткашларига ҳақиқий мададкор бўладиган, ички эҳтиёжни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига тўлдириш мақсадида изланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига фаолият кўламини кенгайтириб бормоқда. Ҳозирда заводда 475 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Корхонада асосан қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган тракторлар учун тиркама, агрегат, осма техника ва уларга эҳтиёт қисмлар тайёрланади.

Сифатга асосий эътибор қаратган ҳолда корхонада пневматик аниқ экиш сеялкалари, вентиляторли пуркагичлар, тиркамали шестерняли насослар, икки поғонали цилиндрли редукторлар, пайвандлаш аппаратларининг янги авлоди ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили жамиятда буюртма асосида саккиз миллиард 275 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

*(Давоми 2-бетда)*

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида эришилаётган натижалар ва галдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## ИННОВАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, ихтирочилар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтиришга қаратилаётган улкан эътибор жамият тараққиётини юксалтиришга хизмат қилаётир. Юртимизда инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва ривожлантириш, интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг мустаҳкам ҳуқуқий тизими яратилган ва у изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизнинг давлат илмий-техника дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришда икки юздан зиёд илмий-тадқиқот муассасаси, олий ўқув юртлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашма ва марказлар, лойиҳа институтлари ва инновация марказлари фаол иш олиб бормоқда. Уларда ўттиз беш минг нафарга яқин етук олим, профессор-ўқитувчи, ёш тадқиқотчи, муҳандис-техник, лаборатория ходими илм-фанни ривожлантириш, мавжуд илмий мактаблар фаолиятини изчил давом эттириш ва жаҳон миқёсида намойиш этиш, янги ишланмаларни амалга татбиқ этиш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Шайхонтохур тумани бўлимининг ҳисобот конференцияси бўлиб ўтади.

✓ **КЕЧА** Савдо-саноат палатаси Ўзбек — Хитой Савдо уйи билан ҳамкорликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан соҳа ривожига ҳисса қўшадиган янги лойиҳа тақдимотини ўтказди.

✓ **БЕКТЕМИР** туманидаги ўн иккита маҳаллада халқ таълими, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла», «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорлигида туманда истиқомат қилувчи болаларнинг ёзги таътил кунларида мароқли дам олишларини ташкиллаштириш лойиҳаси доирасида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

# ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янада юксак босқичга олиб чиқишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг изчил ижроси натижасида жамиятимизда фан ва амалиёт уйғунлиги таъминланмоқда. Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳузуридаги илмий-техник ахборот давлат унитар корхонаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги технологиялар трансфери агентликлари илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, янги ишланмаларни амалиётга жорий этиш, интеллектуал мулкни муҳофазалаш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш борасида иш олиб бормоқда.

Мамлакатимиздаги ўн саккиз йирик саноат корхонасида инновация марказлари ташкил этилди. Бу соҳа ривожига хизмат қиладиган ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш билан бир қаторда, олимларни тармоқ олдида турган долзарб вазифалар ва уларни ҳал этишга хизмат қиладиган илмий лойиҳалар билан таништириш имконини бераётир. Фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада тезлаштириш ҳамда инновацион жараёнларни ривожлантиришга замин бўлаётир.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда анъанавий тарзда ташкил этилаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси илм-фан янгиликларини ҳаётга татбиқ этишда кенг имкониятлар яратмоқда. Ўтган йилларда ушбу тадбир доирасида икки мингдан зиёд илмий ишланма, ихтиро ва технология ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва фермерларга тақдим этилди. Янги технологияларни жорий этиш бўйича бир ярим мингдан ортиқ шартнома имзоланди. Натижада илм-фан ютуқлари асосида корхоналарда ўндан зиёд янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

Айни пайтда олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз олдида XXI аср фанининг устувор йўналишлари – нанотехнологияларни ривожлантириш, барқарор ривожланишга хизмат қиладиган илғор технологияларни яратиш ва уларни амалга татбиқ этиш вазифаси турибди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Корхонамиз салоҳияти ҳақида гап борганда, аввало эришилган ижобий натижалар ва сифат кўрсаткичлари алоҳида ўрин тутади, — дейди «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Нуриддин Баратов. — Ҳозирги ва истиқбол режамизга асосан, бозор иқтисодиёти талаблари шароитида хўжалик юритиш тажрибасини бойитиб бориш, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, экспортни юксалтириш устида доимий изланяпмиз. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг таннархини замонавий технологиялар мададида пасайтириш, сифати ва рақобатбардошлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимизнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид фармони ва «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси йўлида корхонамиз босқичма-босқич техник ва технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур жамиятда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш жараёни изчил давом эттирилаётир. Жорий йилда ҳам самарали саъй-ҳаракатлар туфайли корхонада янги линия ўрнатилди. Айни кунларда корхонанинг тажрибали ишчи-хизматчилари яна бир янги маҳсулот — пахтани чеканкалаш машинасини ишлаб чиқаришни бошлаб юборишди.

Эътиборли томони, жамиятда ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот давлат стандартлари талаблари асосида жиддий синовлардан ўтказилади. Синовларнинг кўрсатишича, бу ерда тайёрланаётган агрегат, машиналар ҳамда уларга ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар сифат борасида хорижникидан асло қолишмайди, нархи ҳам анча арзон. Шу боис ҳам юртимиздаги қишлоқ хўжалиги майдонларида «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамияти маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Тошкент Фотосуратлар уйида Гёте институти, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида «Шаҳар санъати» лойиҳаси доирасида «Очиқ майдондаги санъат» деб номланган кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

## Кўргазмалар

# ОЧИҚ МАЙДОНДАГИ САНЪАТ

Унда Евгений Кондратов, Илона Александрова, Гулнора Тангбоевалар шаҳар экологияси глобал мавзуларидаги ўз асарларини намойиш этган бўлсалар, Инна Сандлер, Александр Чепурнов, Бобомурод Эгамов, Сардор Бабаевлар Ўзбекистондаги маданий меросни асраш борасидаги суратларини мухлислар эътиборига ҳавола қилдилар.

Азамат Раҳматуллаев, Нигора Шарафхўжаева эса ўз ижод намуналари билан инсон умрининг боқийлиги, унинг орзу-умидлари, эзгулика интилишлари, маънавий юксалиш доирасидаги мавзуларни ёритиб беришди.

Шунингдек, кўргазмада ёши ва касбидан қатъи назар рассомлик санъатига ихлоси ва қизиқиши бўлган иштирокчилар ҳам ўз асарлари билан қатнашдилар.

Ҳар бир асар ўзига хос йўналишларни қамраб олган бўлиб, унда мамлакатимиз келажаги, ёшларимиз истиқболи, она табиатнинг гўзаллиги, урф-одатларимиз, ҳаётни севиш ва уни ардоқлаш каби мавзулар ўз аксини топган.

«Шаҳар санъати» халқаро лойиҳаси доирасидаги кўргазма-танлов Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиёдаги Гёте институтлари ташаббуси билан «Очиқ майдондаги санъат» номи остида ташкил қилинган эди. Деярли бир вақтнинг ўзида бу танлов Новосибирск, Санкт-Петербург, Москва, Киев, Минск ва Тбилиси шаҳарларида кенг доирада бўлиб ўтди.

Танловнинг тайёрлов босқичи ўтган йилнинг кузида ва жорий йилнинг март ойида рассомлар, маданият ходимлари, санъат ихлосмандлари, талабалар иштирокида шаҳримиздаги Гёте институтида ўтказилди.

Тадбир доирасида малакали санъат усталари томонидан, талабалар учун семинарлар, ижодий дарслар уюштирилди. Унда, Диёр Раззоқов, Қурбон Норхўрозов, Андрей Ламанов каби қобилиятли, ижоди тасвирий санъат талабларига жавоб бера оладиган рассомлар иштирок этдилар.

Жумладан, эксперт сифатида берлинлик санъатшунос ва кўпгина халқаро кўргазмалар раиси Вера Толлман ҳамда таниқли немис рассоми Сузана Лоренц қатнашган эдилар.

Танлов иштирокчилари зиммасига вақт ва «Арт-интервенция» бадиий ғоясини яратиш вазифаси юклатилган эди. Улар мамлакатимиздаги турли шаҳар ва жамоат жойларини танлашлари мумкин эди. Танловнинг асосий мақсади кўзланган талаблар ва тадбир ғоясига хизмат қиладиган энг яхши лойиҳани аниқлашдан иборатдир.

Лойиҳанинг асосий босқичига 11 та асар саралаб олинди. Кўргазмада намойиш этилаётган инсталляцияларни таҳлил қилиш орқали, рассомларни тўлқинлантираётган бир неча асосий мавзуларни ажратиб олиш мумкин.

Барча лойиҳаларнинг мавзулари турлича бўлса-да, уларни юқори эстетик шакл, меъморий маконни ҳис қилиш ва ғоянинг бирлиги бирлаштириб туради.



Танловда ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар мамлакатимиз номидан жорий йилнинг кузида «Шаҳар санъати» лойиҳасининг саккизта шаҳар ғолиби билан Германияда бўладиган учрашувларда ўз мавзулари бўйича иштирок этадилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа**
**Алексей Попов олган сурат**

**Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш бозори йилдан-йилга шиддат билан ўсиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида сўзлаган маърузасида таъкидланганидек, 2010 йилнинг ўзида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсишга эришилди, сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми, киши бошига ҳисоблаганда, қарийб 20 баробар ошди.**

## Ислоҳотлар оқимида

# СУҒУРТА ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШДИ

Ушбу хизматлар тизимида суғурта хизматлари алоҳида ўринга эгадир. Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида 30 дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг республика бўйича 900 га яқин филиаллари томонидан республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига қатор суғурта хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Суғурта компаниялари томонидан биргина 2010 йилда республика бўйича 6 миллиондан ортиқ суғурта шартномалари тузилган бўлиб, улардан 75 фоиздан ортиғини – ихтиёрий суғурта шартномалари ташкил қилган.

Айни пайтда суғурта компанияларининг кўпайиб бориши ўз ўрнида аҳоли бандлигининг ошишига ва қўшимча иш ўринлари яратилишига хизмат қилиб келмоқда. Бугунги кунда республика бўйича суғурта соҳасида 10000 дан ортиқ фуқаролар меҳнат қилаётган бўлиб, уларнинг 4000 тасини – суғурта компанияларининг штатдаги ходимлари, 6500 тасини эса суғурта агентлари ташкил қилади. Шу билан бирга, мамлакатимизда суғурта бозорининг шиддат билан ривожланиши, ўз ўрнида суғурталовчиларнинг ҳам инвестицион имкониятларининг янада кенгайишига олиб келмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, суғурталовчиларнинг инвестицион имкониятларининг кўрсаткичи ўтган йилгига нисбатан 11-13 фоизга ўсган.

Суғурта хизматлари тизимида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш хизматлари ўзига хос ўрин тутади. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиш билан боғлиқ муносабатлар 2008 йилнинг 21 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади. Англия, Германия, Франция, АҚШ каби ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам қўлланилиб келаётган суғурта хизматининг ушбу тури бугунги кунда мамлакатимизда ҳам жадал ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 18 мартда қабул қилиниб, 2011 йилнинг 25-26 март кунлари бўлиб ўтган Сенатнинг V ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда 15 апрель куни расман эълон қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам айнан суғурта бозорида хусусан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Ушбу Қонунни қабул қилиш зарурияти республика суғурта бозорида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, юқорида таъкидлаб ўтилган қонун билан қуйидаги муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

*Биринчидан,* аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини моддий жиҳатдан янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 13-моддаси биринчи қисми хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларга суғурта мукофотлари бўйича сийловларга эга бўлишини назарда тутувчи олтинчи хатбоши билан тўлдирилди.

Қонунга киритилган ушбу меъёрнинг аҳамияти шундан иборатки, эндиликда хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар ушбу суғурта хизматидан фойдаланишда, яъни ўз транспорт воситаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилдиришда суғурта қилдирувчиларга суғурта мукофоти тўлашда суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида сийловга эга бўладилар. Суғурта мукофоти суммасининг қолган 50 фоизи эса Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан суғурталовчининг суғурта мукофотига доир сийловни компенсация қилиш масаласи юзасидан ёзма равишда мурожаати олинган кундан эътиборан ўн беш календарь кун ичида қопланади.

*Иккинчидан,* қонунга киритилган муҳим ўзгартишлардан яна бири суғурта полиси билан боғлиқ қоида ҳисобланади. Маълумки, амалдаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси тўртинчи қисмида суғурта полиси йўқолган тақдирда суғурталовчи суғурта қилдирувчининг аризасига биноан унинг дубликатини бериши мустаҳкамланган бўлиб, бунда суғурта полиси яроқсиз ҳолга келган бўлса, уни тиклаш масаласи қонунда аниқ белгилаб қўйилмаган эди. Бу эса амалиётда қонун меъёрларининг турлича талқин қилинишига олиб келар эди. Шу сабабли қонуннинг 15-моддаси тўртинчи қисмига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, суғурта полиси йўқолганлиги билан бир қаторда яроқсиз ҳолга келган тақдирда ҳам суғурталовчи зиммасига суғурта қилдирувчининг аризасига кўра унинг дубликатини бериш мажбурияти юкланди. Бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг дубликатни бериш учун қилган харажатларини тўланган суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлаши кераклиги ўз ифодасини топди.

*Учинчидан,* маълумки, ижтимоий ҳаётда транспорт воситаси фақатгина унинг қонуний эгаси томонидан бошқарилмасдан, уни ноқонуний эгаллаб олган шахс томонидан бошқарилиши ҳамда суғурта ҳодисаси юз бериши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учраб туради. Бунда етказилган зарарни қоплаш тартиби билан боғлиқ нормалар амалдаги қонунда тўла ифодасини топмаган эди. Бу эса ўз ўрнида мазкур ҳолатларни қонуний тартибга солиш заруратини вужудга келтирди. Шу сабабли «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисми транспорт воситаси эгасининг уни ғайриқонуний йўл билан эгаллаб олган шахс томонидан фойдаланилганлиги натижасида зарар етказилганлиги учун компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланди.

*Тўртинчидан,* Қонунга киритилган яна бир муҳим ўзгартиш — бу бевосита мажбурий суғурта бўйича тўловларни кафолатлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш билан боғлиқдир. Жумладан, амалдаги қонуннинг 29-моддасида ушбу жамғарманинг фақатгина юридик шахс эканлиги белгиланган бўлиб, унинг айнан қандай юридик шахс турига мансублиги яъни, тижорат ёки нотижорат ташкилоти эканлиги аниқ кўрсатилмаган эди. Қонун меъёрини янада аниқлаштириш мақсадида ушбу қонун билан Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг нотижорат ташкилот эканлиги аниқ белгиланди. Шунингдек, Қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмига киритилган ўзгартиш ва қўшимчанинг мазмун-моҳиятига кўра, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар суғурта товонининг миқдорини аниқлаш мақсадида, суғурта ҳодисалари содир бўлишининг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисидаги ҳамда етказилган зарар ҳақидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни суғурталовчилар билан бир қаторда, Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг сўровига кўра ҳам тақдим этиши шартлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши биринчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватланишига, иккинчидан, қонун меъёрларидаги бўшлиқларнинг бартараф этилишига ва қонун меъёрлари турлича талқин қилинишининг олдини олишга ва ниҳоят, учинчидан, суғурта соҳасидаги қонунчиликнинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

**Улуғбек АЪЛОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

## Ўзбек жанг санъати

# ИСПАНИЯДАН ҒАЛАБА БИЛАН

**Испанияда Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти – W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Нуфузли беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган ўзбек жанг санъати усталари тўрт олтин, беш кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди.**

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида миллий спорт турларимиз халқаро майдонда кенг оммалашмоқда, – дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Пўлат Усмонов. – Спортчиларимизнинг қисқа муддатда улкан ғалабаларни қўлга киритаётгани ана шу ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Ўтган йили ўзбек жанг санъати усталари Италияда W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионатида ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Бутунжаҳон яккакурашлар фестивалида ҳам муваффақиятли иштирок этганди.

Дунёнинг энг кучли яккакураш усталари иштирокида ўтказилган W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионатининг комплекс машқ бажариш ва яккама-якка беллашув баҳсларида Аҳмадулло Усмонов, Достон Раҳмиддинов, Жаҳонгир Аъзамов ва Санобар Ашурова биттадан олтин ва кумуш медални қўлга киритган бўлса, Абдулла Ҳамидуллаев кумуш ва бронза медаль билан тақдирланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА НУФУЗЛИ СПОРТ МУСОБАҚАСИ

**Тинчлик, дўстлик, ёшлик ва спорт байрами — Олимпия ўйинлари спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси. Замонавий кўринишдаги Олимпия ўйинларига 1894 йилнинг 23 июнида асос солинган. Ушбу сана Халқаро Олимпия қўмитаси қарорига биноан Халқаро Олимпиада куни сифатида спорт жамоатчилиги томонидан ҳар йили кенг нишонланади.**

1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган ва Олимпия ўйинларининг рамзи ҳисобланган кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли беш ҳалқа бугунги кунда Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралия қитъаларининг бирлиги тимсолига айланди.

Ҳозирги кунда Олимпиадада икки юздан зиёд мамлакат вакиллари спортнинг ўттиздан ортиқ тури бўйича ғолиблик учун куч синашмоқда ва бу кўрсаткич мазкур мусобақа энг оммавий спорт анжумани эканидан далолат беради. Айни пайтда бу мусобақалар дунё мамлакатларининг салоҳияти, спортни ривожлантириш ва олимпия ҳаракатини тарғиб қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотлар қамрови ва самарасини кўрсатадиган ўзига хос кўзгудир.

Мустақиллик йилларида юртимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада қисқа муддатда Ўзбекистон спорти ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ эркин демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказиш юксак мақсад этиб белгиланди. Бу жараёнда спорт баркамол авлод ва комил инсон тарбиясининг муҳим воситасига айланди.

Юртимизда аҳоли, айниқса, навқирон авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга истеъдод ва қобилиятини намойиш қилиш, юксалтириш учун шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар кўплаб халқаро ташкилотлар қатори Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, олимпия ғояларини ривожлантириш ва жаҳон спорти тараққиётига қўшаётган улкан ҳиссаси учун Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан 1996 йили Олимпия Олтин ордени билан тақдирланди.

1992 йили Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтган ўйинларда ўн олти нафар ҳамюртимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоаси таркибида мусобақаларга киришган ва учта олтин, иккита кумуш, битта бронза медалга сазовор бўлган эди.

Ўзбекистон спортчилари мустақил жамоа сифатида Олимпиадалардаги иштирокини 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган ўйинлардан бошлади. Бугунги кунга келиб, ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган Олимпия ўйинларида уч юз нафарга яқин спортчимиз мустақил Ватанимиз номидан майдонга чиқиш имконига эга бўлди.

Буларнинг барчаси юртимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.Истиқлол шарофати билан, ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек, спортни ҳам жадал ривожлантириш, спортчиларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиши учун барча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон спортчилари ҳозиргача ёзги Олимпия ўйинларидан медалсиз қайтмаган. Атланта Олимпиадасида дзюдо устаси Армен Багдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлаганов бронза медални қўлга киритган эди. 2000 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев терма жамоамизга ёзги Олимпиаданинг биринчи олтин медалини келтирди. Эркин кураш бўйича Артур Таймазов кумуш, боксчилардан Сергей Михайлов ва Рустам Саидов бронза медалга лойиқ топилди.

Грециянинг Афина шаҳри мезбонлик қилган 2004 йилги Олимпиадада эса спортчиларимиз иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритди. 2008 йили Пекинда олимпиячиларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медаль жамғарди.

– Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, хусусан, Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортида ўзини мана шу даражага етказган Ватанимиз, халқимиз турганини, яратилаётган шароитларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати эканини чин дилдан ҳис қилади, – дейди дзюдо бўйича жаҳон чемпиони, Пекин олимпиадаси совриндори Ришод Собиров. – Мана шу туйғу биз, спортчиларга катта куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Келаси йили бўладиган Олимпия ўйинлари ҳам Ўзбекистон спортчилари учун самарали бўлиши шубҳасиз. Мен ҳам Лондон Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Ҳа, юртимизда камол топаётган спортчиларнинг ёзги Олимпия ўйинларидан ҳамиша медаллар билан қайтиши яхши анъанага айланган. Бугун спортчиларимиз 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия) да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда. Юртбошимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлигига жавобан спортчиларимиз бор маҳорат ва кучини халқаро майдонда Ватанимиз шон-шуҳратини янада ошириш, халқимизнинг юксак салоҳиятини намойиш қилишга бағишламоқда. «Лондон – 2012» Олимпия ўйинларида спортчиларимиз эришадиган натижалар янада юксак бўлиши шубҳасиздир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

